

VIII. ХИЗМАТЛАР

2021 йил январь-март ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1888,0 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2020 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш 108,6 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2021 йилнинг январь-март ойлари учун)


	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
Хизматлар – жами	1 888,0	108,6	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	97,4	115,7	5,2
молиявий хизматлар	367,5	123,2	19,5
транспорт хизматлари	425,0	101,1	22,5
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	408,4	102,5	21,6
яшаш ва овқатланиш хизматлари	46,5	110,5	2,5
савдо хизматлари	504,4	102,1	26,7
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	53,8	108,4	2,8
таълим соҳасидаги хизматлар	80,2	96,3	4,2
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	34,7	100,7	1,8
ижара хизматлари	44,6	123,1	2,4
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	71,7	102,1	3,8
шахсий хизматлар	59,7	104,8	3,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	56,8	173,6	3,0
бошқа хизматлар	45,7	109,6	2,4

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм савдо хизматлари (504,4 млрд. сўм), транспорт хизматлари (425,0 млрд. сўм), молиявий хизматлар (367,5 млрд. сўм), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (97,4 млрд. сўм) га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (34,7 млрд. сўм), ижара хизматлари (44,6 млрд. сўм), бошқа хизматлар (45,7 млрд. сўм) га тўғри келади.


Шунингдек, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (173,6 %), молиявий хизматлар (123,2 %), ижара хизматлари (123,1%) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (115,7 %) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби
(2021 йил январь-март ойлари учун)**



Хизматлар таркибида савдо хизматлари – 26,7 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Хозирги вақтда савдо соҳаси истеъмолчиларнинг бозор талабини шакллантириш жараёнида фаол иштирокчи ҳисобланади. Бугунги кунда савдо хизматлари мамлакат иқтисодиётида кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил этади. Республикада замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоқлари фаол ривожланмоқда.

2021 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби



Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (26,7 %), транспорт хизматлари (22,5 %), молиявий хизматлар (19,5 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,2 %) тўғри келади.


Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,8 %), ижара хизматлар (2,4 %), шунингдек яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (2,5 %) га тўғри келган.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда олиб борилаётган бозор ислохотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

2021 йил январь-март ойларида савдо хизматлари ҳажми 504,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 26,7 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан савдо хизматларининг ҳажми 66,1 млн. сўмга ошди.

Савдо хизматларининг таркиби (2021 йил январь-март ойлари учун)



Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга бўлиб, унинг улуши 78,4 % ни ташкил этади.

Улгуржи савдо бўйича хизматларнинг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 14,0 % га етди.

Автомобиллар ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар умумий савдо хизматлари ҳажмида 7,6 % ни эгаллайди.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида курукликдаги транспорт хизматлари – 97,8 %, омборга жойлаштириш хизматлар ва ёрдамчи транспорт хизматлари – 1,7 %, почта ва курьерлик хизматлари – 0,5 % ни ташкил этади.

**Транспорт хизматларининг таркиби % да
(2021 йил январь-март ойлари учун)**



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.



**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, %
(2021 йил январь-март ойлари учун)**

2021 йил январь-март ойларида вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 97,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,7 % ни ташкил этди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 5,2 % ни ташкил этди.


Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (96,4 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.қ.) ҳиссасига тўғри келади.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий банк хизматлари кўрсатиш, жумладан “рақамли” банклар ва чакана хизматлар кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш учун инновацион банк технологияларини жорий қилиш, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, тўлов тизимини янада ривожлантириш молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига ёрдам беради.

Молиявий хизматларнинг таркиби, %

(2021 йил январь-март ойлари учун)



Натижада, 2021 йил январь-март ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 367,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўсиш 123,2 % ни ташкил этди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши 91,3 % устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 5,0 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 3,7 % ни ташкил этди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмида озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар 72,7 % улуш билан етакчилик қилмоқда. Яшаш бўйича хизматлар улуши 27,3 % га тўғри келади.


Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг таркиби, %
(2021 йил январь-март ойлари учун)



2020 йил январь-март ойлари билан таққосланганда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улушининг кўпайиш омилларидан бири вилоятда туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади. Жаҳонга машҳур Хива шаҳрининг тарихий ёдгорликлари, замонавий шаҳарлар, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, ноёб миллий таомлари, шунингдек, халқимизнинг бетакрор меҳмондўстлиги саёҳатчиларни ўзига жалб қилади.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръати 110,5 % ни ташкил этди.

Таълим соҳасидаги хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати, %
(2021 йил январь-март ойлари учун)




Таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар биринчи навбатда онг ва фикрлашдаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшади. 2021 йилнинг январь-март ойларида таълим соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 80,2 млрд.сўмга тенг, ўсиш суръати эса 96,3 % эришилди.

Ўтган йилнинг январь-март ойлари билан таққосланганда таълим соҳасидаги хизматларнинг ҳажми 0,3 млн. сўмга ошди.

2021 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида кўрсатилган хизматлар ҳажми

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
Хоразм вилояти	1 888,0	108,6	100,0
Урганч шаҳри	716,2	110,9	37,9
Хива шаҳри	77,9	116,9	4,1
<i>туманлар:</i>			
Боғот	99,3	105,3	5,3
Гурлан	99,2	105,0	5,3
Қўшқўпир	92,2	107,5	4,9
Урганч	171,6	103,5	9,1
Ҳазорасп	138,9	105,9	7,4
Тупрокқалъа	35,8	103,1	1,9
Хонқа	119,5	103,0	6,3
Хива	91,5	108,9	4,8
Шовот	98,3	104,4	5,2
Янгиариқ	79,8	106,5	4,2
Янгибозор	67,8	107,6	3,6

Вилоят бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши (2021 йил январь-март ойлари учун)



Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Урганч шаҳри (37,9 %), Урганч (9,1 %), Ҳазорасп (7,4 %), Хонқа (6,3 %) туманларида кузатилмоқда.

Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Хива шаҳри (4,1 %), Янгибозор тумани (3,6 %), Тупроққалъа тумани (1,9 %) эгаллайди.


**Худудлар бўйича бозор хизматларининг ўсиш суръати, %
(2021 йил январь-март ойлари учун)**



2020 йил январь-март ойларига нисбатан, 2021 йил январь-март ойларида энг юқори ўсиш суръатлари Хива шаҳри (116,9 %), Урганч шаҳри (110,9 %) ва Хива туманида (108,9 %) қайд этилди.

Хоразм вилоятида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ҳар ойда ўсиши кузатилмоқда. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2020 йил январь-март ойларига нисбатан 151,2 минг сўмга ошиб, 995,7 минг сўмга тенг бўлди. Ўсиш суръати 107,0 % қайд этилди.


**Вилоят бўйича аҳоли жон бошига кўрсаткичлар
(2021 йил январь-март ойлари учун)**



Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш учун энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ижобий натижалари

хизматлар соҳасини янада ривожлантириш, жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал этишда унинг ролини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Урганч шаҳрида (4935,9 минг сўм), Урганч туманида (850,9 минг сўм), Хива шаҳрида (830,9 минг сўм) ва Янгибозор тумани (769,3 минг сўм) га тўғри келади.

Худудлар ўртасида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг паст кўрсаткич Қўшқўпир (530,0 минг сўм), Шовот (571,9 минг сўм) ва Боғот (595,1 минг сўм) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-март ойларига нисбатан, 2021 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг энг юқори ўсиш суръатлари Ҳазорасп туманида (136,9 %) ва Хива шаҳрида (114,3 %) қайд этилди.